

тилди. Айрим ҳолларда карамбошнинг ўртасида бўшлиқ юзага келиб, унинг ички замбуруғ мицелийлари билан тўлганлиги қайд этилди. Касаллик кучли кечган намуналарда ўсимликни ўтказувчи найлари қўнғир тус олди. Касал ўсимликлар уруғи ҳосил қилишигача етиб борганда, уларнинг уруғлари майда ва кўпчилиги пуч бўлиб чикди. Бундай уруғларнинг унвчанлиги ҳам жуда паст бўлди.

Карамдош сабзавот экинларнинг фомоз касаллигининг қўзғатувчиси *Plenodomus lengam* (Tode) Voehan. замбуруғидир, у *Phoma lingam* (Tode) Desm. турининг синоними бўлиб, *Rusnidiales* тартибига *Sphaerioidae* оиласига мансуб тур ҳисобланади.

Карамдош сабзавот экинлари орасида биз тадқиқот олиб борилган 2016-2018 йилларда ва кузатилган хўжаликларнинг далаларида баргли карам ва кольрабида фомоз касаллиги кузатилмади.

Карамдош сабзавот экинларнинг Тошкент вилояти хўжаликларида фомоз касаллигини тарқалиши ва зарари келтирилган 1-жадвалдан кўриниб турибдики фомоз касаллиги билан гулкарам энг кўп зарарланиб, унинг тарқалиши 48,3%, касалликни ривожланиши эса 18,4% бўлди (жадвалга қаранг).

Бу кўрсаткич оқбош карамда мос равишда 39,7% ва 13,6% ни, брокколида 27,3% ва 12,1% ни, қизилбош карамда 19,8% ва 10,5% ни, Хитой карамида 4,1% ва 2,2% ни ташкил этди. Соғлом ўсимликка нисбатан ҳосилни йўқотилиши гулкарамда 9,7% га, оқбош карамда 8,4% га, брокколида 6,7% га, қизилбош карамда 3,9% га ва Хитой карамида 1,6% га тенг бўлди.

Хулоса. Фомоз касаллигини тарқалиши ва зарари бўйича бундай фарқ экин тури ҳамда хўжаликларда касалликка қарши олиб борилган тадбирларга бевосита боғлиқ бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари талабалар учун дарслик. – Тошкент, 2009. – 460 бет (in uzbek)
2. Кашнова Е.В. Селекция капусты белокачанной на устойчивость к комплексу болезней в условиях юга Занадной Сибири. // Автореф. дисс. канд. с.-х. наук. –М.: 2009.- 30 с.
3. Шокиров А.Ж., Азимов Б.Ж., Лапасов С. Ёзги муддатда оқбош карам етиштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар. ТошДАУ, 2017, 16-бет. (in uzbek)
4. FAOstat, 2017. <http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC>
5. Чумаков А.Е., Захарова Т.И. Вредность болезней сельскохозяйственных культур, М."Агропромиздат", 1990. 128 с.
6. Герасимов Б.В., Осницкая Е.А. Вредители и болезни овощных культур.-М.: Сельхозиздат, 1961.-79с.
7. Дементьева М.И. Фитопатология. –М.: Агропромиздат, 1985.-397с.

УЎТ: 632.7.633.854.79.

ЎҚИНГ, ҚўЛАБ КЎРИНГ

КУНГАБОҚАР ЭКИНИДА ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Абдураззакова Дилафруз Равшанбек қизи

Тошкент давлат аграр университети магистранти.,

Абдуллаев Олимжон Алижонович

Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станцияси илмий ходими.,

Муминов Элёр Мусајонович

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси.

Аннотация: В статье о вредителях подсолнечника представлены результаты исследований состава, распространенности, вредоносности, происхождения видов. По результатам исследования было отмечено, что подсолнечная моль в хозяйстве «мададор» Мингбулакского района Наманганской области нанесла 29,6% ущерба, при этом количество тонн составило 22,1%, а жуки бронзового оттенка - 14,5% ущерба.

Ключевые слова: Подсолнечник, вредитель, видовой состав, распространение, количественный критерий экономического ущерба, вредитель.

Annotation: The article on sunflower pests presents the results of studies of the composition, prevalence, harmfulness, origin of species. According to the results of the study, it was noted that sunflower moth in the madadkor farm of the Mingbulak district of Namangan region caused 29.6% of the damage, while the number of tons amounted to 22.1%, and bronze-colored beetles - 14.5% of the damage.

Key words: Sunflower, pest, species composition, distribution, quantitative criterion of economic damage, pest.

Дунё мамлакатлари аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган талаби кундан кунга ошиб бормоқда. Халқ

хўжалигининг барча соҳаларида озиқ овқат, консерва, лак бўёқ, алиф, совун, линолеум, парфюмерия, босмаҳона

бўёқлари тайёрлашда, тиббиётда ва асбоб ускуналарни мойлаш учун ўсимлик ёғи ёки хайвон ёғидан фойдаланилади. Мойли ўсимликлардан фақат мой олиш билан чекланмайди, уларнинг кунжараси чорва моллар учун тўйимли озуқа, қайта ишлаш саноати учун эса хом ашё ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири мойли экинларни етиштириб улардан юқори ҳосил олиш ва аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш учун мойли экинларда мавжуд бўлган зараркунанда ҳашаротларни сонини кескин камайтириш ва ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Кейинги йилларда мойли экинларда бир қанча зараркунандалар пайдо бўлиб, бу зараркунандалар яъни ўргимчаккана, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, тунламлар, туганак узунбурунлар, ширалар, трипслар, қандалалар, чигирткалар ва бошқа бир қанча зараркунандалар зарар келтириб, оқибатда ҳосилдорликни кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мойли экинларни зараркунандаларига қарши иқтисодий тежамкор, экологик хавфсиз кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади [1, 2, 3, 4].

Бугунги кунда республикаимиз шароитида кунгабоқарда зарар келтирувчи асосий зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш ареали, зарар келтириш даражаси, унинг табиий кушандалари, иқтисодий зарар миқдор мезони ва уларга қарши кураш чора тадбирлари етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам кунгабоқарни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг экологик хавфсиз тизимини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир [1].

Республикаимиз шароитида кунгабоқар агробиоценозида зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш ареали, зарар келтириш даражаси ва иқтисодий зарар миқдорини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Кунгабоқар ўсимлигида 34 тур, яъни Тангақанотлилар – Lepidoptera туркумига мансуб 6 тур, Қаттиқ қанотлилар – Coleoptera туркумига мансуб 12 тур, Тўғри қанотлилар

– Orthoptera туркумига мансуб 6 тур, Тенгқанотлилар – Homoptera туркумига мансуб 4 тур зараркунандалар зарар келтириши аниқланган [1,2,3,5].

Кунгабоқарнинг зараркунандаларини тур таркибини ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотларимизга кўра

1-жадвал.

Кунгабоқар экинида асосий зараркунандаларни тарқалиши ва учраши

№	Зараркунандалар	Тарқалиши %	Учраши
Наманган вилояти			
1.	Кунгабоқар парвонаси	29,6	+++
2.	Кунгабоқар тунлами	22,1	+++
3.	Бронза тусли қўнғиз	14,5	+

+ кам учрайди; ++ ўртача учрайди; +++ кўп учрайди.

кунгабоқарнинг асосий зараркунандаларини ўрганиш мақсадида Наманган вилоятининг фермер хўжаликларида кузатувлар ўтказилди. Янгиқўрғон тумани “Туркистон агро” фирмаси хўжаликларида барча зараркунандалар яъни кунгабоқар парвонаси 27,0%, маврак тунлами 25,7%, тилла қўнғиз эса 11,3% ни ташкил этган. “Гулистон” агро фирмасида кунгабоқар экинлари ўртача 14,5 – 23,6 % гача ҳашаротлар билан зарарланиши аниқланган. “Мақсад” фермер хўжалигида энг кўп тарқалган бу кунгабоқар парвонаси Мингбулок тумани “Мададкор” фермер хўжалигида парвона 29,6%ни, маврак тунлами эса 22,1%, бронза тусли қўнғизлар 14,5 % гача зарар етказиши кузатилган. бўлиб, бу зараркунанда билан экинларнинг 25,8 % ва тунламлар 26,1 % қисми зарарланган. Барча ҳудудларда бунга ўхшаш кўрсаткичларни кузатиш мумкин. Зарарли ҳашаротларнинг йилдан - йилга кўпайиб бориши улар келтирадиган зарар миқдорининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтганда республикаимизда ҳар йили ушбу зараркунандаларга қарши курашиш ишлари бўйича чора тадбирлар ўтказилаётган бўлсада, бугунги кунга қадар, бу турдаги зараркунандаларнинг кунгабоқар етиштирилаётган ҳудудларда хавфи сақланиб қолаётганлиги, шунингдек бу зараркунандаларга қарши замонавий, атроф муҳитга хавфсиз бўлган, юқори биологик ҳамда иқтисодий самарали кураш тизimini такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Дусманов С.Э., Бойжигитов Ф.М., Холлиев А.Т. Кунгабоқарни зараркунанда ва касалликларига қарши кураш тизими. Тавсиянома. Тошкент, 2018. –Б.22.
- 2.Лаптиев А.Б. – Тли на почвах подсолнечника. Технические культуры. 1989. - № 3. - стр. 9-10.
- 3.Лысова Л.А., Хорошева Т.М. Эффективность биопрепаратов в борьбе с вертициллезным увяданием подсолнечника в Нижнем Поволжье. // Защита растений в условиях реформирования агропромышленного комплекса: экономика, эффективность, экологичность. Тезисы докладов. Санкт – Петербург. – 1995. –С.334-335.
- 4.Лукомец В.М., Пивень В.Т., Тишков Н.Н. «Защита подсолнечника от вредителей и болезней». // Защита и карантин растений. – 2007. –№5. –С.14.
5. Сагдуллаев. А.У, Дусманов С.Э. Мойли экинларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш чора тадбирлари юзасидан вақтинчалик тавсиянома. - «Талқин» - Тошкент, - 2008. – 16 б.